

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2023 йил 11 октябрь куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Б.Каримовнинг раислигида, А.Хамраеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Акромов, судланувчи И.ХХХХ ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат Б.Султанов, жабрланувчи А.ХХХХнинг иштирокида, ХХХХ ХХХХга нисбатан 1-1007-2302/525 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

ХХХХ ХХХХ (ХХХХ), 1980 йил 9 сентябрь куни Фарғона вилоятида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оилали, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган;

1) 2008 йил 8 август куни ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандлари, 205-моддаси 1-қисми, 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан қўзғатилган жиноят иши 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия актига асосан тугатилган;

2) 2009 йил 23 ноябрь куни ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандлари, 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан қўзғатилган жиноят иши 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия актига асосан тугатилган;

3) 2014 йил 5 май куни ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари, 168-моддаси 2-қисми “в” банди, 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан қўзғатилган жиноят иши 2013 йил 12 декабрдаги амнистия актига тугатилган;

4) жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2017 йил 7 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 25,211-моддасининг 1-қисми, 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 5 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2019 йил 18 майдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 5 ой 19 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судининг 2021 йил 12 мартдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил



8 ой 4 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

5) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2023 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 5 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

6) жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2023 йил 29 сентябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 188¹-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси тартибида 4 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, [REDACTED]

[REDACTED] истиқомат қилувчи, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2023 йил 15 февралдан буён қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 15 сентябрь кuni олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари ва 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

XXXX XXXX 2021 йил 2 март кuni, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, “Чилонзор” мавзеси 30-даҳа, 38-уй олдида бўла туриб, таниши XXXX XXXXни ишончига кириб, унга тегишли давлат рақами 01 W 157 WA бўлган “Ласетти-Жентра” русумли автомашинани ўзаро жами 12.400 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, янада ишончли бўлиши учун А.XXXXга жами 7.500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олдиндан тўлов сифатида бериб, қолган 4.900 АҚШ долларини 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, шундан 1.900 АҚШ долларини тўлаб бериб, сўнг автомашинани ўзга шахсларга сотиб юбориб, А.XXXXга берган ваъдасини бажармасдан, уни ишончини суиистеъмол қилиб, ўзаро келишувга кўра автомашина учун жами қиймати



31.551.000 сўмга тенг бўлган 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотида кўра 2021 йил 2 март куни 1 АҚШ долларини сўмга нисбатан қиймати 10.517 сўмни ташкил қилган бўлиб, 3.000 АҚШ долларини жами қиймати 31.551.000 сўмга тенглиги аниқланган.

Бундан ташқари, XXXX XXXX 2021 йил 2 апрель куни, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, такроран, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, “Чилонзор” мавзеси 30-даҳа, 38-уй олдида бўла туриб, таниши XXXX XXXXни ишончига кириб, унга тегишли давлат рақами 01 С 186 НВ бўлган “Нексия-3” русумли автомашинани ўзаро жами 10.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, янада ишончли бўлиши учун А.XXXXга жами 4.700 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олдиндан тўлов сифатида бериб, қолган 5.300 АҚШ долларини 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, сўнг автомашинани ўзга шахсларга сотиб юбориб, А.XXXXга берган ваъдасини бажармасдан, уни ишончини суиистеъмол қилиб, ўзаро келишувга кўра автомашина учун жами қиймати 55.504.303 сўмга тенг бўлган 5.300 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотида кўра 2021 йил 2 апрель куни 1 АҚШ долларини сўмга нисбатан қиймати 10.472,51 сўмни ташкил қилган бўлиб, 5.300 АҚШ долларини жами қиймати 55.504.303 сўмга тенглиги аниқланган.

Шунингдек, XXXX XXXX 2021 йил 13 апрель куни, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, такроран, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, “Чилонзор” мавзеси 30-даҳа, 38-уй олдида бўла туриб, таниши XXXX XXXXни ишончига кириб, унга тегишли давлат рақами 10 С 707 ҒА бўлган “Каптива” русумли автомашинани ўзаро жами 22.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, пулларни 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, шундан 2.000 АҚШ долларини тўлаб бериб, сўнг автомашинани ўзга шахсларга сотиб юбориб, А.XXXXга берган ваъдасини бажармасдан, уни ишончини суиистеъмол қилиб, ўзаро келишувга кўра автомашина учун жами қиймати 209.508.400 сўмга тенг бўлган 20.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотида кўра 2021 йил 13 апрель куни 1 АҚШ долларини сўмга нисбатан қиймати 10.475,42 сўмни ташкил қилган бўлиб, 20.000 АҚШ долларини жами қиймати 209.508.400 сўмга тенглиги аниқланган.



Бундан ташқари, XXXX XXXX 2021 йил 5 июнь куни, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, “Чилонзор” мавзеси 30-даҳа, 38-уй олдида бўла туриб, таниши XXXX XXXXни ишончига кириб, унга тегишли давлат рақами 01 К 852 ОВ бўлган “Ласетти-Жентра” русумли автомашинани ўзаро жами 18.000 АҚШ доллариға сотиб олишға келишиб, янада ишончли бўлиши учун А.XXXXға жами 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олдиндан тўлов сифатида бериб, қолган 15.000 АҚШ долларини 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, шундан 7.000 АҚШ долларини тўлаб бериб, сўнг автомашинани ўзга шахсларға сотиб юбориб, А.XXXXға берган ваъдасини бажармасдан, уни ишончини суиистеъмол қилиб, ўзаро келишувға кўра автомашина учун жами қиймати 116.023.160 сўмға тенг бўлган 11.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотиға кўра 2021 йил 5 июнь куни 1 АҚШ долларини сўмға нисбатан қиймати 10.547,56 сўмни ташкил қилган бўлиб, 11.000 АҚШ долларини жами қиймати 116.023.160 сўмға тенглиги аниқланган.

Бундан ташқари, XXXX XXXX 2021 йил 7 июль куни, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, “Чилонзор” мавзеси 30-даҳа, 38-уй олдида бўла туриб, таниши XXXX XXXXни ишончига кириб, унга тегишли давлат рақами 01 Q 531 DB бўлган “Каптивa” русумли автомашинани ўзаро жами 18.500 АҚШ доллариға сотиб олишға келишиб, янада ишончли бўлиши учун А.XXXXға жами 5.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олдиндан тўлов сифатида бериб, қолган 13.500 АҚШ долларини 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, шундан 1.000 АҚШ долларини тўлаб бериб, сўнг автомашинани ўзга шахсларға сотиб юбориб, А.XXXXға берган ваъдасини бажармасдан, уни ишончини суиистеъмол қилиб, ўзаро келишувға кўра автомашина учун жами қиймати 132.532.000 сўмға тенг бўлган 12.500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотиға кўра 2021 йил 7 июль куни 1 АҚШ долларини сўмға нисбатан қиймати 10.602,56 сўмни ташкил қилган бўлиб, 12.500 АҚШ долларини жами қиймати 132.532.000 сўмға тенглиги аниқланган.

Судланувчи XXXX XXXX, суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у 2019 йилда “Рустам” исмли таниши орқали пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан автомашиналар савдоси билан



шуғулланувчи XXXX XXXX билан танишиб қолганини ва ўзи ҳам А.ХХХХдан автомашиналарни пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан олиб, устига пул қўйиб, бошқа шахсларга сотиш билан шуғулланиб, пул ишлаш мақсадида 2021 йил 2 март куни, А.ХХХХ яшаб келаётган Тошкент шаҳар Учтепа тумани, “Чилонзор” мавзеси 30-даҳа, 38-уй олдида келиб, ундан давлат рақами 01 W 157 WA бўлган “Ласетти-Жентра” русумли автомашинани ўзаро жами 12.400 АҚШ доллариға сотиб олишға келишиб, А.ХХХХға 7.500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олдиндан тўлов сифатида бериб, қолган 4.900 АҚШ долларини 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, шундан 1.900 АҚШ долларини тўлаб бериб, сўнг автомашинани ўзга шахсларға сотиб юбориб, пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юбориб, А.ХХХХға берган ваъдасини бажармасдан, ўзаро келишувға кўра автомашина учун жами 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганини; бундан ташқари, у 2021 йил 2 апрель куни А.ХХХХнинг уйини олдида келиб, ундан давлат рақами 01 C 186 NB бўлган “Нексия-3” русумли автомашинани ўзаро жами 10.000 АҚШ доллариға сотиб олишға келишиб, А.ХХХХға 4.700 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олдиндан тўлов сифатида бериб, қолган 5.300 АҚШ долларини 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, сўнг автомашинани ўзга шахсларға сотиб юбориб, пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юбориб, А.ХХХХға берган ваъдасини бажармасдан, ўзаро келишувға кўра автомашина учун жами 5.300 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганини; шунингдек, у 2021 йил 13 апрель куни А.ХХХХнинг уйини олдида келиб, ундан давлат рақами 10 C 707 FA бўлган “Каптива” русумли автомашинани ўзаро жами 22.000 АҚШ доллариға сотиб олишға келишиб, пулларни 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, шундан 2.000 АҚШ долларини тўлаб бериб, сўнг автомашинани ўзга шахсларға сотиб юбориб, пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юбориб, А.ХХХХға берган ваъдасини бажармасдан, ўзаро келишувға кўра автомашина учун жами 20.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганини; бундан ташқари, у 2021 йил 5 июнь куни А.ХХХХнинг уйини олдида келиб, ундан давлат рақами 01 K 852 OB бўлган “Ласетти-Жентра” русумли автомашинани ўзаро жами 18.000 АҚШ доллариға сотиб олишға келишиб, А.ХХХХға 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олдиндан тўлов сифатида бериб, қолган 15.000 АҚШ долларини 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, шундан 7.000 АҚШ долларини тўлаб бериб, сўнг автомашинани ўзга шахсларға сотиб юбориб, пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юбориб, А.ХХХХға берган ваъдасини бажармасдан, ўзаро келишувға



кўра автомашина учун жами 11.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганини; бундан ташқари, у 2021 йил 7 июль куни А.ХХХХнинг уйини олдига келиб, ундан давлат рақами 01 Q 531 DB бўлган “Каптива” русумли автомашинани ўзаро жами 18.500 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, А.ХХХХга 5.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олдиндан тўлов сифатида бериб, қолган 13.500 АҚШ долларини 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, шундан 1.000 АҚШ долларини тўлаб бериб, сўнг автомашинани ўзга шахсларга сотиб юбориб, пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юбориб, А.ХХХХга берган ваъдасини бажармасдан, ўзаро келишувга кўра автомашина учун жами 12.500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганини, кейинчалик А.ХХХХ унинг ҳаракатлари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилганини, шу жараёнда у А.ХХХХга автомашиналар учун яна 3.800 АҚШ доллари берганини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, ўз ҳаракатларини оқибатини тўлиқ тушуниб етганини, бундан кейин бу каби жиноятларни содир этмаслигини, ҳозирги кунда А.ХХХХга етказилган моддий зарар уни оила аъзолари томонидан тўлиқ қопланган бўлиб, жабрланувчи А.ХХХХни унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, уни оилавий шароитини ва моддий аҳволини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Судланувчи И.ХХХХ унга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатувлар бериб ўтса-да, уни мазкур жиноятларни содир этганликдаги айби қуйидаги далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Жумладан, жабрланувчи ХХХХ ХХХХ суд мажлисида, у 2019 йилда “Рустам” исмли танишига пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан автомашина сотганини ва шу шахс орқали ХХХХ ХХХХ билан танишганини, гап орасида И.ХХХХ ундан автомашиналарни пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти сотишни сўраганини ва у рози бўлгач, 2021 йил 2 март куни, И.ХХХХ у яшаб келаётган Тошкент шаҳар Учтепа тумани, “Чилонзор” мавзеси 30-даҳа, 38-уй олдига келиб, ундан давлат рақами 01 W 157 WA бўлган “Ласетти-Жентра” русумли автомашинани ўзаро жами 12.400 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, унга 7.500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олдиндан тўлов сифатида бериб, қолган 4.900 АҚШ долларини 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, шундан 1.900 АҚШ долларини тўлаб бериб, унга берган ваъдасини бажармасдан, ўзаро келишувга кўра автомашина учун жами 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб



келганини; бундан ташқари, И.ХХХХ 2021 йил 2 апрель куни унинг уйини олдига келиб, ундан давлат рақами 01 С 186 НВ бўлган “Нексия-3” русумли автомашинани ўзаро жами 10.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, унга 4.700 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олдиндан тўлов сифатида бериб, қолган 5.300 АҚШ долларини 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, унга берган ваъдасини бажармасдан, ўзаро келишувга кўра автомашина учун жами

5.300 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганини; шунингдек, И.ХХХХ 2021 йил 13 апрель куни унинг уйини олдига келиб, ундан давлат рақами 10 С 707 FA бўлган “Каптива” русумли автомашинани ўзаро жами 22.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, пулларни 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, шундан 2.000 АҚШ долларини тўлаб бериб, унга берган ваъдасини бажармасдан, ўзаро келишувга кўра автомашина учун жами 20.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганини; бундан ташқари, И.ХХХХ 2021 йил 5 июнь куни унинг уйини олдига келиб, ундан давлат рақами 01 К 852 ОВ бўлган “Ласетти-Жентра” русумли автомашинани ўзаро жами 18.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, унга 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олдиндан тўлов сифатида бериб, қолган 15.000 АҚШ долларини 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, шундан 7.000 АҚШ долларини тўлаб бериб, унга берган ваъдасини бажармасдан, ўзаро келишувга кўра автомашина учун жами 11.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганини; бундан ташқари, И.ХХХХ 2021 йил 7 июль куни унинг уйини олдига келиб, ундан давлат рақами 01 Q 531 DB бўлган “Каптива” русумли автомашинани ўзаро жами 18.500 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, унга 5.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олдиндан тўлов сифатида бериб, қолган 13.500 АҚШ долларини 12 ой давомида тўлаб беришни ваъда қилиб, шундан 1.000 АҚШ долларини тўлаб бериб, унга берган ваъдасини бажармасдан, ўзаро келишувга кўра автомашина учун жами 12.500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганини, кейинчалик у И.ХХХХнинг ҳаракатлари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилганини, шу жараёнда И.ХХХХ унга автомашиналар учун яна 3.800 АҚШ доллари берганини, суд жараёнида И.ХХХХнинг оила аъзолари томонидан унга етказилган моддий зарарнинг қопланмай қолган қисми, яъни 48.000 АҚШ доллари тўлиқ қопланганини, шу сабабли уни И.ХХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, И.ХХХХга нисбатан



озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи И.ХХХХнинг мазкур жиноятларни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни суд мажлисига узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаган гувоҳларнинг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувлари, суд мажлисида, судланувчи ва процесс иштирокчиларининг розилиги билан ўқиб эшиттирилганида, судланувчи томонидан тасдиқланганлиги билан, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларидаги жабрланувчи А.ХХХХнинг аризаси, шахсни фотосурат бўйича таниб олиш учун кўрсатиш ҳақидаги баённома, нарсани кўздан кечириш ҳақидаги баённома, И.ХХХХнинг тилхатлари нусхаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор, юзлаштириш баённомалари, тушунтириш хатлари ва жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 3-бандига кўра, “Фирибгарлик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради”.

Ушбу Қарорни 4-бандида, “Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар бўйича маълумотлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг нияти, ваколати (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи



орган ходими ёхуд қонуний асосларда фаолият юритувчи тадбиркор сифатида кўрсатиши ва х.к.) тааллуқли бўлиши мумкин.

Фирибгарликда жабрланувчини янглиштиришга қаратилган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предмети сохталаштириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усуллари қўллаш ва х.к. киради” деган мазмунда амалий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи И.ХХХХнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, Олий суд Пленумининг юқорида кўрсатилган амалий тушунтиришлардан келиб чиқиб, унинг жиноий ҳаракатлари:

-2021 йил 2 март куни А.ХХХХнинг ишончига кириб, унга автомашина учун жами қиймати 31.551.000 сўмга тенг бўлган 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди “Фирибгарлик, яъни хавфли рецидивист томонидан, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-2021 йил 2 апрель куни А.ХХХХнинг ишончига кириб, унга автомашина учун жами қиймати 55.504.303 сўмга тенг бўлган 5.300 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди “Фирибгарлик, яъни хавфли рецидивист томонидан, такроран, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-2021 йил 13 апрель куни А.ХХХХнинг ишончига кириб, унга автомашина учун жами қиймати 209.508.400 сўмга тенг бўлган 20.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди “Фирибгарлик, яъни хавфли рецидивист томонидан, такроран, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини қўлга киритиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-2021 йил 5 июнь куни А.ХХХХнинг ишончига кириб, унга автомашина учун жами қиймати 116.023.160 сўмга тенг бўлган 11.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари “Фирибгарлик, яъни хавфли рецидивист томонидан, такроран, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг кўп миқдордаги мулкини қўлга киритиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан ҳамда



-2021 йил 7 июль куни А.ХХХХнинг ишончига кириб, унга автомашина учун жами қиймати 132.532.000 сўмга тенг бўлган 12.500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини бермасдан, турли баҳоналар билан уни алдаб келганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари “Фирибгарлик, яъни хавфли рецидивист томонидан, такроран, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг кўп миқдордаги мулкани қўлга киритиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи И.ХХХХга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлашни лозим деб топади.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси [референдумида](#) умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида, “Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача чекланиши мумкин эмас. Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилиши”, 28-моддасида эса “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши” қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида амалий тушунтиришлар берилган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи И.ХХХХга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, юқоридаги кўрсатилган Пленум қарорларидаги амалий тушунтиришлардан келиб чиқиб, И.ХХХХни ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчини унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ва унга енгиллик беришни сўраб ўтганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖКнинг 56-моддаси талабларига риоя қилиб, мазкур жиноятни илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахс бўла туриб, қасддан янги жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, И.ХХХХнинг шахсини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 37-бандида “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг



судланувчи билан ярашганлиги ва ҳоказо)” деб кўрсатилган амалий тушунтиришларидан келиб чиқиб, И.ХХХХни ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчини унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ва унга енгиллик беришни сўраб ўтганлигини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖК 168-моддасининг 5-қисми талабидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ушбу модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари суд, судланувчи И.ХХХХ мазкур жиноятни жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2023 йил 29 сентябрдаги ҳукми чиқарилгунга қадар содир этганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддаси тартибида ушбу жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашни ва бунда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига мувофиқ, уни дастлабки қамоқда сақланган вақтини чегириб ташлашни ҳамда чеклаш жазосини ўзининг яшаш хонадонида ўташликни белгилаб, И.ХХХХнинг зиммасига: -назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик; -Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик; -жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик каби тақиқлар (чеклашлар) юклатишни лозим топади.

Шунингдек суд, жабрланувчи А.ХХХХга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини ва уни судланувчи И.ХХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини инобатга олиб, иш юзасидан ёзма далил деб эътироф этилган тилхатларни жиноят иши ҳужжатларида сақлашни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

ХХХХ ХХХХ (ХХХХ) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

ХХХХ ХХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддалари тартибида И.ХХХХга жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2023 йил 29 сентябрдаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшишлик йўли билан узил-кесил 5 (беш) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ХХХХ ХХХХни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига мувофиқ, 2023 йил 15 февралдан 2023 йил 11 октябрга қадар дастлабки қамоқда сақланган вақти, яъни жами 238 (икки юз ўттиз саккиз) кун қамоқда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосини бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилиб, унга узил-кесил **4 (тўрт)** йил **4 (тўрт)** ой **2 (икки)** кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

И.ХХХХга озодликни чеклаш жазосини Фарғона вилояти, Бағдод тумани, “Чигит” ҚФЙ, “Обод юрт” МФЙ, Чигит кўчаси 63-уй соат 21:00дан 06:00га қадар ўташ белгилансин.

И.ХХХХнинг озодликни чеклаш жазосининг муддати жазони ижро этиш инспекциясига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш И.ХХХХнинг яшаш жойидаги Фарғона вилояти, Бағдод тумани, ИИО ФМБ пробация бўлимига юклатилсин.

И.ХХХХнинг зиммасига ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг:

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик;

-Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик каби тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин.

И.ХХХХга жазони ўташ даврида, унга белгиланган чекланишларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

И.ХХХХга қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунига қадар “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва у суд залида дарҳол қамоқдан озод қилинсин.

Жабрланувчи ХХХХ ХХХХга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги ва уни судланувчи И.ХХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Иш юзасидан ёзма далил деб эътироф этилган тилхатлар жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нухасини олган кунидан эътиборан шу муддат ичида, апелляция



тартибида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича апелляция
инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест
билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Б.Каримов

Ҳукм кўчирмаси аслига тўғри:

Ҳужжат имзоланган: Каримов Бобомурод Пулатбаевич, 30.10.2023

